

## **БОЛАЛАР ВА ОЧАРЧИЛИК: ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ**

**Шарофиддин Ҳошимжонов,**  
АндДУ таянч докторанти

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада Туркистонда Совет ҳукуматининг юритган иқтисодий сиёсати, жумладан, мулкчиликнинг хусусий шакллари билан давлат иштирокига ўтказилиши, мулкдорларни синф сифатида йўқ қилиш сиёсати, ўзбек қишлоқларида сунъий синфий курашни яратиш, тадбиркорларнинг мулкларини тортиб олиниши, иқтисодиётнинг асосий тармоқларида давлат монополиясини ўрнатилиши ва қатъий нарх сиёсатининг амалга оширилиши каби нотўғри иқтисодий сиёсатининг оғир оқибатлари таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** коммунизм, национализация, давлат монополияси, ер эгаллиги, синфий кураш, солиққа тортиш, мулкдорлар, очарчилик, болалар интернатлари, безгак, юқумли касалликлар.

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье рассматривается экономическая политика Советского правительства в Туркестане, в том числе передача частных форм собственности государству, политика уничтожения собственников как класса, захват имущества предпринимателей путем создания искусственной классовой борьбы в узбекских аулах, установление государственной монополии в основных отраслях экономики, проведение политики фиксированных цен и др. Анализируются тяжелые последствия неправильной экономической политики.*

**Ключевые слова:** коммунизм, национализация, государственная монополия, земельная собственность, классовая борьба, налогообложение, помещики, голод, детские интернаты, малярия, инфекционные болезни.

### **КИРИШ**

Россияда XX аснинг биринчи чорагида бошланган очарчилик билан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан чамабарчас боғланган Туркистон ўлкасига ҳам кириб келди. Бунга биринчи навбатда, коммунистик мафкура билан боғлиқ бўлиб, жамиятда мулкнинг тенгсизлиги тугатиш, мулкнинг барча шакллари тугатиш, уларни давлат тасарруфига ўтказиш билан боғлиқ эди. Совет ҳукумати коммунистик мафкура асосидаги бундай утопик иқтисодий сиёсати жуда ёмон оқибатларга олиб келди.

Маълумки, подшо Россияси давридаёқ Туркистон пахта ўлкасига, марказдаги текстил саноати учун асосий ҳомашё базасига айлантирила бошланган. Большевиклар жамиятнинг иқтисодий асосларига зарба беришни бошладилар. Тўнтаришдан кейин маҳаллий аҳоли асосий даромад манбаси пахта экишни камайтира бошладилар. Чунки, фуқаролар уруши сабаб, Россия билан алоқа йўллари ёпилиб қолган, асосий ҳомашё манбасидан узилиб қолган миллиондан ортиқ ишчилар банд бўлган марказдаги саноат корхоналари яхши ишламасди. Туркистондаги ғалла истеъмолнинг асосий қисмини етказиб берувчи Россиянинг марказий ўлкаларида очарчилик авж олган, йўл муаммоси бу ҳолатни янада оғирлаштирарди. Оддий аҳоли пахта экин майдонларига ғалла эка бошлади, лекин бу ички истеъмолни қоплай олмасди, энди асосий даромад манбаси пахта ҳам камайиб кетганди. Расмий маълумотларга кўра, донли маҳсулотлар етиштириш 9 миллион пудга тушиб қолган, 1920 йилда эса бу кўрсаткич 13 млн пудга тенг бўлган. Экин ер майдонлари ҳам қисқариб кетди. Хусусан, 1919 йилда Ер ишлари Халқ комиссарлиги Статистика бошқармаси бошлиғи А. Черневскийнинг ҳисоботида кўра, деҳқончилик билан шуғулланадиган асосий уч вилоят – Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги экин майдонлари 1919 йилга келиб 1915 йилдаги экин майдонига нисбатан 58,3% га тушиб кетган.<sup>1</sup>

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Экин майдонларининг бундай камайиб кетишига асосий сабаблар сифатида ўлкадаги миллий озодлик ҳаракатлари билан бир қаторда ер-сув ислоҳоти ўтказиш ва унинг доирасида деҳқонлар қўлидаги қишлоқ хўжалиги қуроллари, ҳайвонлар ва уруғликни тизимсиз равишда, ҳеч қандай рўйхатсиз ва тартибсизлик билан давлат ҳисобига мусодара қилинишини кўрсатишимиз мумкин. Бунинг натижасида деҳқонларнинг эртанги кунга ишончсизлик кайфияти пайдо бўлиши билан боғлаш мумкин.

Хусусан, Андижон ва Наманган уездлари халқ хўжалиги бўлими бошлиқлигига янги тайинланган Тедер ва Челевицкийлар 1919 йил 28 августдаги Халқ хўжалиги кенгаши 1 съездидаги ҳисоботларида ушбу бўлимлар томонидан мусодара ва национализация қилинган мулкларнинг рўйхатга олинмагани, тортиб олинган маҳсулотлар ва иш қуролларининг миқдори бўйича ҳеч қандай ҳисоб юритилмагани, иш жуда тартибсиз ташкил

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий архиви (кейинги ўринларда ЎзМА), Р-29-фонд, 1-рўйхат, 58-ийғмажилд, 5-бет.

этилгани ҳақида ахборот беришади.<sup>2</sup> Умуман олганда, дастлаб хусусий мулкларни рўйхатга олиш ва давлат ҳисобига тортиб олиш бирор қоида ёки тартибга асосланмай, ўзбошимчалик билан амалга оширилган.

Бундан ташқари тортиб олиниб, деҳқонларга берилган ерларни таъминоти масаласи ҳам ҳал этилмаган. 1919 йил 19 июнда қишлоқ хўжалиги ва ер ислоҳоти ўтказиш ходимларининг 2 йиғилишида, Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидаги кўплаб меҳнатсиз кун кечирган хўжаликлар тугатилгани, ушбу хўжаликларга тегишли барча қуроллар социализация қилиниб, ерлар ва қуроллар қисмларга бўлиниб тарқатиб юборилгани, национализация қилинган хўжаликларни бўлиб тарқатиб юбориш катта хато экани қайд этилган.<sup>3</sup> Бунда биринчи навбатда, ерларнинг унумдорлиги пасайиб кетган. Авваллари ер эгалари ўз ижарачиларини йил давомида уруғ, қишлоқ хўжалиги қуроллари ва бошқа ишлар учун пул билан таъминлаган, ерларнинг тортиб олиниши ҳамда тарқатилиши кичик ер эгаларининг таъминотсиз, иш қуролларисиз ва пулсиз қолишига сабаб бўлган. Ҳукумат деҳқонларнинг бу эҳтиёжларини таъминлай олмаган. Тарқатилган ерлар эса деҳқонларда иш қуролларининг йўқлиги сабаб ишловсиз ёки қаровсиз қолиб кетган. Йиғилишда танқид қилинган масала тортиб олинган ўжаликларни бўлиб тарқатмаслик бўлган, бироқ амалда бўлиб берилган кичик ерни бошқаришга восита ва маблағи бўлмаган деҳқон бундай катта хўжаликни юритиши даргумон эди. Кейинчалик ташкил этилган совет ва жамоа хўжаликлари эса амалда аввалги мулкдор қатлам ўрнини эгаллаган холос. Совет ҳукумати қарши курашган хусусий мулкдорлар ўрнини ўзи эгаллаган, улар ижарадорларга ваъда қилган ерлар эса қуруқ сўзлигича қолган, хатто деҳқоннинг аҳволи аввалгидан ёмонлашган.

Совет ҳукумати томонидан Туркистон аҳолисининг асосий даромад манбаси бўлган пахтадан келадиган даромадини маҳаллий деҳқонлар чўнтаги эмас, давлат ғазнасига тушириш йўллари изланди. Бу капиталистик давлатлар билан мусобақалаш, унга коммунизмнинг қудратини кўрсатиб қўйиш мақсадида кўзда тутилган чораларнинг молиялаштириш манбаси бўлиб хизмат қилишни кўзда тутарди. Бу ният эса эзилган чорикор ва мардикор қатламни бойлар зулмидан қутқариш билан ниқобланди. Дастлаб, 1918 йил бошида пахтачиликни ривожлантириш ниқоби билан Пахтачилик бош бошқармаси тузилди. 1918 йил 5 мартда Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгашининг

<sup>2</sup> ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 33-йиғмажилд, 84-бет.

<sup>3</sup> ЎзМА, Р-29-фонд, 2-рўйхат, 103-йиғмажилд, 4-бет орқаси.

қарори билан барча пахтачилик, ёғ-мой, совунпазлик фабрикалари давлат ҳисобига тортиб олиш ҳақида қарор чиқарилди.<sup>4</sup> Бундан ташқари айнан шу қарор билан, пахтага давлат монополияси ўрнатилди. Бу дегани пахтани ҳеч ким сота олмайди, сотиб ҳам ололмайди, давлат номидан Пахтачилик бош бошқармаси унинг ягона сотувчиси ва олувчисига айланди. Бу пахта ҳомашёсининг эркин бозорини ва рақобат муҳитини йўқолишига олиб келди. Энди, 1 пуд пахта учун эркин нарх ўрнига қатъий белгиланган энг юқори нарх – 18 сўм этиб белгилади. Пахтачилик бош бошқармаси эса бу нархда сотиб олгач, саноат корхоналарига ўзи хоҳлаган нархда сотарди. Аслида совет ҳукумати айтганидек, пахта ҳомашёсидан тайёр маҳсулотлар нархини тушириш учун ҳомашё нархини сунъий тушириш яъни эркин бозорга давлат аралашуви оқибатда бу маҳсулотлар нархи тушишига олиб келмади, кўшимчасига аҳоли даромадларининг пасайиши кузатилди. Пахтачиликдан келадиган даромаднинг тушиши устига, қурғоқчилик сабаб ғалланинг камҳосиллиги ва натижада унинг нархи пахтадан уч баробар ортишига олиб келди. Ўзи четдан келтириладиган ғаллани сотиб олиб истеъмол қиладиган аҳоли, ғаллага пул ҳам топа олмай қолди. Бунинг устига ўлка ресурсларининг катта қисми очарчиликни тугатиш мақсадида Россиянинг марказий ҳудудларига юборилиши, у ерлардан кўплаб аҳолининг кўчириб келтирилиши, совет ҳукуматининг хўжасизларча солиқ сиёсати (25 дан ортиқ солиқ турлари ва бундан ташқари маҳаллий йиғимлар),<sup>5</sup> озик-овқат маҳсулотларининг солиқ сифатида тортиб олиниши очарчиликнинг ҳалокатли ўтишига сабаб бўлди.

1918-1919 йиллардаги очарчилик бир авж олиб, камайгандек бўлди. Бирок, кейин яна авж олиб кетди. Туркистонда очарчилик энг кенг тарқалган ҳудудлардан бири Фарғона вилояти бўлган.

Овқатланиш жойларини ташкил қилишни молиялаштириш учун ҳам маҳаллий мулкдорларга алоҳида солиқ жорий этилган. Умуман олганда, мулкдор ва тадбиркор синф барча жабҳада тазйиққа учраган, уларнинг мулкларини давлат ҳисобига ўтказиш учун турли тадбирлар ўйлаб топилган. Хусусан, 1918 йил Ишчи, деҳқон ва аскар депутатлар Кенгашининг Туркистон Марказий Ижроия кўмитасида Петрограддан харбий-инқилобий кўмитаси бюроси раҳбари М. И. Лацис томонидан мулкдор синфларни шафқатсиз солиққа тортиш бўйича кўрсатмаси муҳокама қилинади ва бу масалани амалга

<sup>4</sup> ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 34-йиғмажилд, 4-бет.

<sup>5</sup> ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1148-йиғмажилд, 411-бет.

оширишга масъул этиб Молия халқ комиссари Мирский тайинланади.<sup>6</sup> Тез орада ўлкада юз бераётган очарчилик оқибатларини юмшатиш учун овқатланиш жойлари ташкил этиш тўлиқ мулкдорлар зиммасига юкланади. Масалан, Андижонда шаҳар ижроия кўмитаси қарори билан бепул ошхоналар ташкил этиш учун солиққа тортилган мулкдорлар рўйхати тасдиқланади. Рўйхатга 55 нафар шахснинг исми киритилган бўлиб, барчаси маҳаллий миллат вакиллари дир. Солиқ миқдори мулкдорларнинг мулкига қараб белгиланган бўлиб, энг кўп – 150 минг рубль миқдоридан солиқ тўлаш таниқли тадбиркор Аҳмадбек Темирбеков зиммасига юклатилган. Умумий ҳисобда эса, мулкдорлар 750 минг рубль миқдоридан солиққа тортилган.<sup>7</sup> Аслида, бунга қадар тадбиркорларнинг кўпчилиги ҳукумат солиқ тайинламасдан туриб, ошхоналар ташкил этгани, очарчиликдан азият чеккан аҳолига озиқ-овқатдан ёрдам бергани ҳақидаги маълумотлар ҳам кўп учрайди. Хусусан, ўша давр даврий матбуотида бу ҳақида қатор хабарлар берилган. Хусусан, Ал-Изох журналида “Себзор даҳасинда саҳоватпешаларимиздан Мулла Абдулла хожи аржумандлари, Мулла Тўйчи бойвачча ва Мулла Ғулом шайх қори жанобларининг ғайрат ва ҳимматлари соясинда эллик кундан бери муттасил беш қозон қурилиб, 1.500 қадар фақир ва бечораларга ош берилиб турмакдадурким, ҳар кун 5 қозонга харажат, маблағ 1.500 сўмдур.” – дея, хабар берилган. Ушбу хабарда ўндан ортиқ мулкдорлар саналиб, уларнинг очарчиликни бартараф қилиш учун кўрсатган хизматлари санаб ўтилади.<sup>8</sup>

1921 йилнинг қишида дастлаб Марғилонда бошланган очарчилик 1922 йил баҳорига қадар Қўқонда, кейин Андижон, Ўш ва Наманганни ҳам камраб олди. Марғилон уездининг 60%, Қўқоннинг эса 50% аҳолиси очликка маҳкум бўлди.<sup>9</sup> Ўша вақтда водийда 710 мингдан ортиқ аҳоли яшаган бўлса, улардан 138 мингга яқин киши (кейинроқ 250 мингдан ортган) очликдан азият чеккан бўлса, 140 мингга яқин одамга очлик доимий хавф солиб турган. Умуман олганда, шу йили биргина Фарғона водийсининг ўзида 54 минг 860 киши очарчиликдан вафот этган.<sup>10</sup> Шаҳарларда ишсизлар орасида, ҳатто хунармандлар орасида ҳам очарчилик авж олган, уездларда эса 20 танобгача ери бўлган ўртаҳол хўжаликлар ҳам очарчилик домига тушган, улар 1921 ва 1922 йилда ҳам экин эка олишмаган. Бу эса уларнинг етарли озиқ-овқат захирасисиз қолишларига

<sup>6</sup> ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғмажилд, 321-бет.

<sup>7</sup> Андижон вилояти Давлат архиви, 59-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 166-бет.

<sup>8</sup> Ҳимматга тухматми? // Ал-Изох. - 1918. № Б. 387-388 бетлар.

<sup>9</sup> ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 75а-йиғмажилд, 29-бет.

<sup>10</sup> ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1148-йиғмажилд, 401-бет.



сабаб бўлган. Ўша давр ҳужжатларида келтирилишича, Қўқонда ҳар куни 10 тадан одам очликдан ўлаётгани айтилади. Қўқон шаҳри бозорида ҳар куни минглаб, бозор бўладиган кунлари эса ўн минглаб одамлар энг охириги мулкларини: эски ёстиқ, ёпинчик, чопон, кигиз, идишлар ва ҳатто кетмонларини сотиш учун бозорга олиб келардилар. Қишлоқ аҳолиси ейишга яроқсиз маҳсулотлар, айниқса, ўт еб шишиб ўлиш кўпаяди, хусусан, болаларда ҳам кўп учрайди. Қишлоқдан келган деҳқонлар айтишича, кетишга қодир кишилар хўжаликларини ташлаб, болалар бошқа вилоятларга қочиб кетишмоқда. Бир деҳқоннинг айтишича, Қўқон шаҳрига келиш йўлида 20 верст жойда 17 та ўликни ва уларнинг ёнида бозорда сотиш учун олиб келаётган мулкни кўрган, бироқ, улар бозорга етиб келмай силласи қуриб вафот этган.<sup>11</sup>

Туркистонга Россиянинг марказий ўлкаларидан очларнинг келтирилиши вазиятни жуда оғирлаштириб, очарчиликнинг кескин оқибатларини келтириб чиқарди. Хусусан, 1921 йил май ойидан 1922 йил март ойига қадар Туркистон АССРга ташкиллаштирилган тартибда 97,300 та, ўзбошимчалик билан 75 мингдан ортиқ, жами 172 мингдан ортиқ одамлар келган. Улардан 140,000 минги вояга етган ва 11.000 дан ортиқ бола бўлиб, турар жойларга жами 151.000 киши жойлаштирилган.

Очарчилик даврида энг кўп азият чекканлар болалар бўлди. Кўпчилиги ота-онаси ёки боқувчисидан ажраб қолади ва шундоқ ҳам озиқ-овқат топиш қийин вазиятда таъминотчисиз қоладилар. Бунинг натижасида болалар билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисалар кўпаяди, дайди болалар гуруҳлари кўпайди, уларнинг ижтимоий аҳволи аянчли ҳолга келди. Одамлар ўз болаларини қабристонларга, масжидларга ва кўчаларга ташлаб кетган ҳақида кўплаб ҳолатлар кузатилди.

Бу вақтда ҳукумат очликка қарши кураш бўйича маълум бир тадбирлар ўтказишга ҳаракат қилган бироқ, бу учун биринчи навбатда маблағ ажратиш қониқарсиз аҳволда бўлган. Унга кўра, Масалан, Қўқонда болалар учун 2 та, гўдаклар учун 1 та интернат, оч қолганлар учун 4 та овқатланиш жойи очилган. Овқатланиш жойида 20 мингдан ортиқ одамларга овқат берилган бўлса, уларнинг бор-йўғи 485 таси болалар бўлган. Марғилонда эса болалар учун 4 та, гўдаклар учун 1 та интернат, 8 та овқатланиш жойи ташкил этилган бўлиб, бу жойда 17480 та одамга овқат берилган ва уларнинг 696 нафаригина болалар бўлган.<sup>12</sup>

<sup>11</sup> ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 75а-йиғмажилд, 30-бет.

<sup>12</sup> ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1148-йиғмажилд, 402-бет.

Ўша вақтдаги ҳисоб-китобларга кўра Фарғона водийсида одамларнинг очдан ўлишини тўхтатиш учунгина 2,5 млн пуд (1 пуд – 16.8 кг) нон керак бўлган, одамлар тўйиб овқат ейиши учун талаб қилинадиган миқдор эса 6 млн пуд бўлган. 1922 йил ёзида Туркистон Халқ комиссарлари кенгашига Қўқондан юборилган телеграммада очликдан азият чекаётганлар ва очлик хавф солиб турган аҳоли сони 406 мингдан ортиқни ташкил этиши, улар орасида 50 мингдан ортиқ болалар бўлган.<sup>13</sup>

1923 йил 10 апрел куни Маориф Халқ комиссарлигининг социалистик руҳда тарбиялаш ва политехника таълими бош бошқармаси йиғилишида айнан болаларнинг ижтимоий аҳоли масаласи кўрилади ва вазият очиқ муҳокама қилинади. Йиғилишда Сорокин Болаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасидаги ишлар ҳолати ҳақида маъруза қилади ва болаларнинг қанчалик аянчли ҳолатда эканини аниқ далиллар билан кўрсатиб беради.

Туркистонга Россиянинг марказий ўлкаларидан минглаб очлар қаторида болаларнинг келтирилиши нафақат келтирилган болалар, балки, очарчиликдан азият чекаётган маҳаллий халқлар болаларини ҳам ижтимоий аҳолини оғирлаштирган. Очарчилик бошланганда Россиянинг очлик ҳукм сураётган ҳудудларидан 12 мингга яқин бола олиб келинган бўлиб, уларни оилаларга жойлаштириш, турар жой билан таъминлаш масаласи ҳал қилинмаган, кўплари қаровсиз қолиб кетган. Маҳаллий ҳукуматнинг кўрган чораларига қарамай, Туркистоннинг ўзида ҳам очарчиликни авж олиши вазиятни жуда оғирлаштириб юборган эди. Маҳаллий аҳолининг ўзи ҳам ёрдамга муҳтож бўлиб қолганди. Очарчилик чекинган вилоятларга болаларни қайтариш учун эса, фақат ота-оналар аризаси бўлган тақдирда рухсат берилган, бундай ариза билан мурожаат қилган ота-оналар эса жуда оз бўлган. Туркистонда эса уларни таъминлаш имконсиз эди.

1923 йилнинг апрелига қадар Тошкент ва унинг атрофида 1100 ўринли 11 та болалар, ўсмирлар, ногирон болалар интернатлари ташкил этилади. Бундан ташқари, Полторацк (ҳозирги Ашхабод), Каттакўрғон, Қўқон, Олмаота, Пишпак (Бишкек) шаҳарларида 215 ўринли қабул қилиш-тақсимлаш масканлари ташкил этилган. Лекин, бу очарчилик хавф солган ва қаровсиз қолган болалар умумий сонининг 10%ини ҳам қамраб ололмасди.

Бундан ташқари, ана шундай муассасаларда ҳам болаларнинг тўйиб овқат емаган, кийим (ич кийим, иссиқ кийим, оёқ кийим), ётоқ жой учун жиҳозлар етишмаслиги кузатилади. Масалан, улар деярли гўшт, ёғлар, шакар,

<sup>13</sup> ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1148-йиғмажилд, 410-бет.

сабзавотлар ейишмайди. Интернатларда 100-120 бола бир ёки икки жуфт оёқ кийимни навбат билан кийишган, ички кийимлар эса бир донадан бўлиб, улар деярли алмаштирилмайди, бу инфекция касалликлар тарқалишига ҳам сабаб бўлади. Фақат, Қорасувдаги интернатда болаларга 2-3 тадан ички кийим берилган. Кўпчилик болалар полга қоп солиб ухлашган, битта кроватга 2-3 тадан бола тўғри келган.<sup>14</sup>

Ана шундай ҳолатда Халқ комиссарлар Кенгаши йиғилишида нуқсонли болалар мактаби учун керакли жиҳозлар сметаси муҳокама қилинган, лекин, зурурий маҳсулотларнинг 1/3 қисми олиб берилишига қарор қилинади, шунда ҳам агар молиявий манбаси бор бўлса олиб берилиши кўзда тутилган.

Болалар врачлари Ақодус йиғилишида ўзи борган интернатлардаги ҳолат бўйича иллюстрацияларни тақдим қилиб, зангила (милк касаллиги), камқонлик, безгак, сил каби касалликлар авж олаётганини қайд этади. Бундай шароитда болалар тўйиб овқатланиш ва яхшироқ жой топиш мақсадида интернатлардан оммавий қочиб кетиш ҳолатлари кўпайиб, асосан кунлар исиши рўй берган. Хусусан, 1923 йил баҳорида “Реформаториум” номи билан аталувчи интернатдан 30 та бола қочиб кетган.<sup>15</sup>

Интернатларда болалар касалликлари қарши курашиш қийин, чунки интернатларда санитар ҳолат жуда ёмон, гигиеник воситаларнику умуман ишлатишмайди. Болалар шифохонаси тўлиб кетганидан, касал болалар интернатларга қайтариб юборилар, интернатдаги изолятор деб номланган хоналарга жойлаштирилди. Одатда болалар турмайдиган, иситилмайдиган хоналар изоляцияларга айлантирилган. Бир қанча муассасалар қатори Реформаториумда ҳам безгак кенг тарқалган. Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги дори-дармон воситаларини жуда кам етказиб бериши вазиятни янада оғирлаштирган. Интернатлар ходимлари кам бўлиб, ойликларнинг тўланмаслиги, борларининг ҳам ишдан кетиб қолишларига сабаб бўлган.

Шаҳар кўчаларида ва бозорларда дайди, тарбиясиз болалар кўпайган, милиция ходимлари уларни тутиб турли жойлардан Тошкентга юборганлар. Очарчилик даврининг энг аянчли ҳолатларидан бири болалар фохишалигининг тарқалиши бўлди. Архив ҳужжатларида 1922–1923 йилларда Тошкентга ҳудудлардан кўплаб қизлар ушлаб келинган, улар орасида 12 ёшли ёки фохишалик билан 1 йилдан бери шуғулланаётган 11 ёшли қизлар махсус

<sup>14</sup> ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1153-йиғмажилд, 407-бет.

<sup>15</sup> ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1153-йиғмажилд, 408-бет.



интернатларга олиб келингани кўрсатилган.<sup>16</sup> Бу қиз болалар учун очликдан қутулиш йўллари билан бирига айланган. Шу фактнинг ўзиёқ бу даврнинг қанчалик оғир кечганини тасаввур қилиш учун етарли.

Юқоридаги қатор муаммоларни ҳал қилиш учун марказдан болалар реэвакуциясини ташкил этишни сўраш, уларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлашга кўпроқ маблағ ажратиш, болалар учун яна қабул қилиш уйлари ташкил этиш, оғир тарбияли қизлар марказий уйини ташкил этиш (фохишаликдан сақланиш учун), 2-болалар шифохонасини очиш каби муҳим тақлифлар илгари сурилади.

Бироқ, қанчалик муҳим бўлишига қарамай ушбу тақлифларнинг асосий қисми қоғозда қолиб кетди, энг ҳимоясиз ва ёрдамга муҳтож бўлган қатлам - болалар тўйиб овқат емаслик, турли вирусли касалликлар ва уйсизликдан азият чикканлар ва ҳаётдан кўз юмганлар.

Тўғри, Совет ҳокимияти очарчиликни тугатиш учун айтарли чоралар кўрди, бироқ бу етарли эмасди. Масалан, Фарғона водийсида 1922 йил 22 апрелида Туркистон Марказий Ижроия кўмитасининг қарори билан, Фарғона вилоятида очарчиликни тугатиш учун йиғилаётган ҳайрия йиғимларидан бошқа барча солиқ ва йиғимлар олиш вақтинча тўхтатилди. Ташқи савдо айланмасининг 10%и миқдорда йиғим жорий қилиниб, очарчиликни тугатишга йўналтирилди. Туркистоннинг барча аҳолисига мурожаат қилиниб, 2 ҳафталик ҳайрия йиғиш ҳафталиги эълон қилинди. Лекин, амалда бу тадбирлар барибир, ўлканинг тадбиркор ва мулкдор қатлами гарданига тушди. Шунингдек, Совет ҳокимияти маҳаллий мулкдор ва тадбиркорлардан мажбурий “ҳайрия” қилишни шариатга мувофиқ экани тўғрисидаги фатво чиқартириб оладилар.<sup>17</sup> Бунда, аслида тадбиркор ва бой кишилар ўз маҳалласи ва атрофдагиларга ёрдам бериб келганлар, бироқ, маҳаллий бошқарув органлари томонидан натижа кетидан қувиб мулкдор хўжалик сифатида рўйхатга киритилганлар ҳам мавжуд эди. Айниқса, Туркистонда асосий қатламни ташкил этган ўрта мулкдорлар қатлами очарчилик вақтида ўзи очликдан азият чекаётган вақтда, уларга мулкдорлар учун йиғимни тўлаш мажбурияти уларни буткул хонавайрон бўлиши ва очдан ўлишига сабаб бўлган. Туркистон советларининг МИҚнинг 1921 йил 21 июлдаги №81 сонли қарори билан ташкил этилган Очарчилик оқибатлари билан курашиш марказий Комиссияси фондига 25.546.242 рубл (очарчилик йиғимларидан тушган) пул маблағлари, 20.813 пуд озиқ-овқат ва

<sup>16</sup> ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1153-йиғмажилд, 407-бет.

<sup>17</sup> ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 75а-йиғмажилд, 29-бет.

14.531 та кийимлар келиб тушган. Фарғонага 1922 йил 1 декабр ҳолатига пул кўринишида 14.689.145 рубл ёрдам сифатида юборилган. Мавжуд воситалар Туркистоннинг ўзида очарчилик ҳукм сураётганига қарамай марказ топшириғи билан Туркистонга бириктирилган Қирғиз Республикаси (ҳозирги Қозоғистон ҳудуди) ва Бошқирдистонда ҳам очарчиликни тугатишга йўналтиргани ғайриоддий ҳолат эди. Қирғиз Республикасига 25.000 пуд ва Бошқирд Республикасига 3198 пуд нон жўнатирилган, пул кўринишида эса Қирғиз республикасига 1.115.100 рубль, Бошқирд республикасига 53 минг, жами 1.168.000 рубль маблағ юборилган.<sup>18</sup> Туркистоннинг ўзи учун зарур бўлган дон Марказга юборилган, озиқ-овқат эса солиқ сифатида тортиб олинган. Озиқ-овқат тақсимоти эса кўнгилдагидек ташкил этилмаган.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Мақола бошида айтилган пахта монополиясининг Туркистонга келтирилган оғир оқибатларини кўрган марказий ҳокимият органлари вақтинча бўлса-да ушбу қарорни бекор қилдилар. 1923 йилнинг 26 январь куни Россия Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши раиси ўринбосари Риков имзоси билан тасдиқланган қарорига кўра 1923 йилнинг 1 февралидан бошлаб Туркистонда пахтага давлат монополияси бекор қилинади.<sup>19</sup> Бир йил ўтиб пахта монополияси яна қайта тикланади. Ана шундай ўйланмаган қарор ва бошқа сабаблар билан минглаб инсонлар очликдан қаттиқ азият чекди, ёстиғи қуриди.

Совет ҳукуматининг Туркистонда олиб борган иқтисодий сиёсати оқибатида, биринчидан, хусусий мулкчилик шаклини буткул йўқотишни кун тартибига қўйди ва бу эркин бозор ҳамда рақобат муҳитини йўқолишига олиб келди. Бу эса, Туркистон аҳолиснинг камбағаллашишига, энг ёмон томони очарчилик бошланишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида, 1918-1919 йилларда, айниқса XX асрнинг 20 йиллари бошларида Туркистон аҳолиснинг 40 фоизга яқин қисми очликдан азият чекди, жами 60-70 минг инсон, шу жумладан болалар ҳам ҳалок бўлди.

Иккинчидан, ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати Туркистондаги мулкдор қатлам, айниқса, мулкдорларнинг аксарият қисмини ташкил этувчи ўрта қатламни буткул йўқ бўлишига олиб келди. Уларнинг мулкларини тортиб олиниши, ялпи қашшоқликка олиб келди. Сабаби, бу вақтда меҳнаткаш аҳолининг асосий қисмини 20 танобгача ери бўлган ўртаҳол деҳқонлар – Совет

<sup>18</sup> ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 75а-йиғмажилд, 55-бет.

<sup>19</sup> ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1291-йиғмажилд, 176-бет.

ҳукумати тили билан айтганда “майда буржуазия вакиллари” ташкил этган, бу эса, ўз-ўзидан уларнинг мулкларини тортиб олинишига олиб келган.

Учинчидан, тортиб олинган мулкларга хўжасизларча муносабатда бўлинди, тортиб олинган маҳсулотлар омборларда чириди, экин экилган ер майдонлари ҳамда боғлар қаровсиз қолди ва экин майдонларининг кескин қисқариб кетишига олиб келди, ишлаб турган саноат корхоналари ишдан чиқди. Масалан, 1916 йилда 274 та ишлаб турган пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари 1919 йилда 34 тага тушиб қолди. Бошқа корхоналар фаолияти тўхтаб, қаровсиз қолиб кетди.

Тўртинчидан, ўтказилган нотўғри иқтисодий тадбирлар жамиятдаги ижтимоий муҳитнинг буткул бузилишига, жамиятнинг бўлинишига олиб келди. Турли қатламлар ўзаро бир-бирига қарши қўйилди, улар ўртасида душманлик кайфиятини сингдириш учун катта тарғибот кампанияси иш юритди. Қишлоқларда янги ҳаётга, янги турмушга тарғибот бахонасида мулкдор қатламга нисбатан нафрат уйғотиш, уларнинг ушбу жамиятда яшашлари мумкин эмаслигини уқтириш орқали сунъий равишда синфий кураш авж олдирилди.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Миллий архиви Р-17 – Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси фонди.
2. Ўзбекистон Миллий архиви Р-25 – Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши фонди.
3. Ўзбекистон Миллий архиви Р-29 – Туркистон АССР Ер ишлари халқ комиссарлиги фонди.
4. Андижон вилояти Давлат архиви 59 – Андижон вилояти ижроия қўмитаси фонди.
5. Ал-Изоҳ журнали, 1918 йил.